

## Мавзу:19 Шикастланиш ўчоқларида фуқароларнинг хатти-ҳаракатлари

Режа:

1. Табиий офат, авария, ҳалокатлар ўчоқларида қутқарув ва бирламчи тиклов ишларини олиб бориш усуллари ва тартиблари.
2. Ер силкиниши, кўчиши, сел ҳодисаси ва КТЗМлар таъсиридаги ишлаб чиқариш авариялари ва бошқа офатлар мисолидаги тадбирлар.
3. Қутқарув ва тиклов ишларини амалга ошириш.

**КАЛИТ СЎЗЛАР:** табиий офатлар, фавқулодда вазиятларни бартараф этиш ,авария қутқарув ва бошқа кечиктириб бўлмас ишлар (ҚБКБИ), офат, сув тошқини, кўчки, сел, ҳалокат, КТЗМ.

**Табиий офатлар**, ишлаб чиқариш авариялари ва ҳалокатлар юз берганда катта миқёсдаги кулфатларга олиб келади ҳамда кўплаб инсонларнинг ҳаётига зомин бўлади. Агар бу фалокатлар ўз вақтида бартараф қилинмас экан уларнинг қамрови миллий ҳатто трансчегаравий даражадаги фавқулодда вазиятларни келтириб чиқариши мумкин.

**Фавқулодда вазиятларни бартараф этиш деганда** - фавқулодда вазиятлар юзага келганда ўтказиладиган чора-тадбирлар, жумладан инсонларнинг соғлиғини ва ҳаётини сақлаш, атроф-муҳитга етказиладиган зарар ва моддий йўқотишлар миқдорини камайтириш, фавқулодда вазиятлар юз берган ҳудудларни халқга олиш, хавфи хусусида аҳолини ўз вақтида огоҳлантириш, иқтисодий тармоқларининг барқарор ишлашини таъминлаш, юзага келадиган хавфли омиллар таъсирини тугатишга қаратилган авария-қутқарув ва бошқа кечиктириб бўлмас тиклов ишларининг мажмуаси тушунилади. Мазкур мажмуани ташкил қилувчи омилларнинг энг асосий турлари бу фавқулодда вазиятларни бартараф этишда ўтказиладиган авария **қутқарув ва бошқа кечиктириб бўлмас ишлар (ҚБКБИ)** ҳисобланади. Чунки табиий офатлар, ишлаб чиқариш авариялари ва ҳалокатлар ўзининг тўсатдан юзага келиши билан, ҳамда келтирадиган зарарлари билан хавфли. Қанчалик бу ҳалокатнинг олдини олувчи ва бошқа зарурий чора-тадбирлар бажарилса, уларнинг талофатга олиб келувчи таъсирларини бартараф этиш мумкин. Бунинг учун авария қутқарув ва кечиктириб бўлмайдиган ишларни олиб боровчи кучлар ва воситалар тайёр бўлиши лозим.

**ҚБКБИ** ларни олиб боришда раҳбарлар таркиби, ишларни олиб боровчи мутахассислар ҳамда мазкур ишларни ташкиллаштириш ва олиб бориш, фавқулодда

вазиятларнинг моҳиятини, мазмунини яхши билишлари ва бажариладиган тадбирлар бўйича амалий кўникмаларга эга бўлишлари шарт.

**Табиий ва техноген хусусиятли фавқулодда вазиятларда қуйидаги авария қутқарув ишлари бажарилади:**

- Тизимларнинг ҳаракатланиш йўналиши ва бажариладиган ишларни аниқлаш;
- Тизимларнинг ҳаракат йўналишида ва бажариладиган иш ҳудудларида ёнғинни халққа олиш ва ўчириш;
- Жабрланувчиларни қидириб топиш ва уларни қутқариш; тўсқинлик қилувчи иншоотларни бузиш ёки уни мустаҳкамлаш;
- Вайрон бўлган, бузилган, ёнғинли, сув босган, газга, тутунга тўлган объектларда қолган фуқароларни қутқариш;
- Жабрланганларга биринчи тиббий ва биринчи шифокор ёрдамини кўрсатиш ва уларни даволаш муассасаларига эвакуатсия қилиш;
- Аҳолини хавфли ҳудудлардан хавфсиз ҳудудларга кўчириш;
- Шикастланган ўчоқларда зарурий санитарива-гигиена эпидемияга қарши тадбирларни ташкил этиш;
- Аҳолини сув, озиқ-овқат ва бошқа биринчи эҳтиёж буюмлари билан таъминлаш;
- Бошқа кечиктириб бўлмайдиган ишлар (тиклов ишлари) қуйидагилардан ташкил топган:
- Юк ташиш йўллари ва вайроналардан ўтиш жойларини тозалаш;
- Қутқарув ишларини олиб боришда газли, электрли, сувли канализатсиялар ва технологик тизимлардаги аварияларни тўсиш ва тиклаш ишлари;
- Тўсқинлик қилувчи иншоотларни бузиш ёки уни мустаҳкамлаш;
- Алоқа ва коммунал-энергетик тармоқлардаги фалокатларни тузатиш, тиклаш ва бошқа ишлар.

Демак, тиклов ишларини олиб боришдан мақсад-тизимлар ҳаракатланадиган йўллارни тозалаш, алоқа, транспорт, коммунал-энергетик, технологик тизимлардаги бузилишларни ва фалокат оқибатларни тўсиш ва уларни тиклаш йўли билан қутқарув ишларини ўтказиш учун шарт-шароитлар яратишдан ҳамда шикастланган ҳудудларда аҳолини хавфсиз яшаш шароитини ташкил этишдан иборат.

## **Зилзила оқибатларини бартараф этиш.**

Зилзила оқибатларини бартараф этиш билан боғлиқ кутқарув ва тиклов ишларининг кетма-кетлиги ва муддатлари зилзила ҳудудида жойлашган шаҳар (объект) нинг фуқаро муҳофазаси бошлиғи томонидан белгиланади.

**Офат оқибатида юзага келган вайронанинг хусусиятини** аниқлашда иншоотларнинг мустаҳкамлик даражаси, одамларни кутқариш бўйича бажариладиган ишларнинг тартиби ва ҳажмини аниқлаш учун текшириш (экспертиза) ишлари ташкил этилади. Бунда қуйидаги кўрсаткичларни аниқлаш лозим:

- Объектларга тизимлар ҳаракатининг энг қисқа ва энг хавфсиз йўллари.
- Коммунал-энергетик тармоқлари, бино-иншоот ва қурилмаларнинг вайронагарчилик даражаларини; Жабрланганларнинг турган жойи ва уларга етадиган хавф даражасини;
- Вайроналарни ажратиш ва улардан жабрланганларни олиб чиқаришни;
- Жабрланганларни қулай жойларга эвакуация қилишни;
- Ичимлик ва хўжалик эҳтиёжлари учун фойдаланадиган сув манбаларининг ҳолатини;
- Қутқарув ишларини амалга оширишнинг шароитлари ва кетма-кетлигини;
- Механизатция воситаларидан фойдаланиш қоидаларини;
- Портлатиш ишларини олиб бориш имкониятлари ва ҳоказолар.
- Портлатиш ишларини олиб бориш имкониятлари ва ҳоказолар .

Зилзила натижасида вайроналар тагида, тупроқ остида, қулаш хавфи мавжуд бўлган иншоотлардаги, ёнғин чиқаётган бинода қолган одамларни кутқаришга дарҳол киришилади. Бунинг учун шикастланиш ҳудудларига ФВДТ тизимлари дарҳол киритилади. Вайроналар тагидаги жабрланувчиларни топиш учун кутқарув тизимлари вайрона ҳудудини, вайрон бўлган бино ва иншоотларнинг ҳолатини тўлиқ ўрганиб сўнгра вайроналар остида қолган одамлар билан музокара ёки тақиллатиш усули билан алоқа ўрнатилиб, сўнгра уларни кутқарадилар.

Жабрланувчилар тепасидаги иншоот вайроналарини ажратишда ҳавфсизлик чораларига қатъиян риоя қилиш керак. Сабаби агар вайрона мустаҳкам бўлмаса ёки иншоот конструкциялари ўртасидаги боғловчи элементлар бузилган бўлса, элементларнинг ўз-ўзидан силжиши ёки вайрона вазни чўкиши мумкин, бу эса қутқарувчиларга ҳам жабрланувчиларга ҳам хавф тнғдириши мумкин. Шунинг учун вайроналардан одамларни қутқаришда бузилган иншоотларни йирик элементларни қаттиқ тортиш, қимирлатиш ёки кучли зарбалар беришга йўл қўймаслик даркор. Шунингдек, вайроналар ичидан ёки қурилиш элементлари (парча плита) остидан одамларни олиб чиқишда вайрона элементиарини ҳам силжиши керак эмас, чунки булар жабрланувчиларга қўшимча жароҳатлар етказиши мумкин.

Жабрланувчиларни қутқаришда биринчи навбатда жабрланувчиларнинг боши ва танасининг юқори қисми чиқариб олиниб, сўнгра танасини босиб қолган қурилиш парчаларидан озод қилинади ва унга биринчи тиббий ёрдам кўрсатилади.

Қутқарувчилар қулай кийимга эга бўлиши, ҳамда улар ишлатадиган жиҳоз, ускуналар учун чўнтаклари бўлиши керак. Бошга албатта каска кийилади.

Ҳозирги даврда вайроналар остидаги жабрланувчиларни қидириб топишда қутқарув воситаларининг янги турлари қўлланилмоқда.

**Жумладан, жабрланувчилар чиқадиган товушларни аниқлайдиган электрон мослама-геофонлар** ишлатилмоқда. Бундай мосламаланинг баъзи турлари шундай сезгирки, ҳатто улар одамнинг юрак уриши бўйича ҳам топишга қодир. Шунинг учун қутқарувчилар одамларни қидириб топишда доимо "тинчлик соати"ни ўтказадилар. "Тинчлик соати" вақти мобайнида ҳеч қандай ускуна, жиҳоз, техникалар ишлатилмаслиги лозим бўлади чунки "Тинчлик соати" жабрланувчиларни топишда кўмаклашади. Қутқарув ишларини олиб боришда махсус ўргатилган итларнинг ёрдами ҳам яхши натижаларни кўрсатяпти. Бу турдаги ҳайвонлар 2 млн.га яқин ҳидларни фарқлай олиш хусусиятига эга, шунинг учун ҳам улар қор-ёмғир, тупроқ, бино парчалари остидан қолган одамларни қидириб топишда бошқа замонавий услублардан устунлик даражаси юқори ҳисобланади.

Шуларга асосланган ҳолда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорига кўра 1998 йил 5-сентябрда ФВВ таркибида "Кинология" хизмати ташкил элилган.

Кинология хизматининг асосий вазифаси - итларни хизматга тайёрлашни ташкил этиш ва ҳар қандай экстремал вазиятларда жабрланганларни қидириб топишдан иборат.

Ўзбекистон Республикаси ФВВ нинг авария-қутқарув отряди таркибидаги кинология

хизмати 1999 йил август ойида Туркиянинг Измир ва Аданазари вилоятларида, ҳамда 2001 йил Ҳиндистоннинг Гужарат штатидаги зилзила оқибатларини бартараф этишда фаол иштирок этиб, ижобий ёрдам кўрсатдилар.

### **Зилзила вақтида ўзини тутишнинг оддий қоидалари**

Агар инсон табиий офатларга аввалдан тайёргарлик кўрмаса ва масалан, зилзила содир бўлган дақиқаларда нима қилиши кераклигини билмаса буваҳимага ва кўнгилсиз оқибатларга олиб келиши мумкин. Буни 1966 йилдаги



Тошкент зилзиласи тажрибаси ҳам яққол намоён қилган. Биз тўсатдан зилзила юз бериб қолса нима қилишимиз лозимлигини ўрганиб олиб, уйда, ишхонада ва ўқув муассасида вақти- вақти билан машқлар қилиб борганимиз маъқул бўлади. Қоидалар жуда содда. агар бинони тарк этиш мумкин бўлмаса: **ўтиринг**, **беркининг**, **таянинг**

- Хавфсиз жойни топинг ва **ўтиринг**
- Бошингиз ва бўйнингизни **беркитинг**
- Бирор мустаҳкам нарсага **таянинг**
- Жойингизда қолиб, силкиниш тугагини кутинг

Кўп қаватли бинолардаги хавфсиз жойлар-кириш эшиги ости, тутиб турувчи қанчалар деворлар ички бурчаги ва бошқа жойларни билиб олиб, аввалдан чамалаб қўйинг.

## **Бино ичидаги ҳавфсизликни таъминлаш учун қуйидагиларни бажаринг**

Имкон қадар, ҳаётингизга ҳавф солиши мумкин бўлган оғир мебелларни, қимматбўюмларни (телевизор, компьютер) маҳкамланг. Ойналарга сизни шиша парчалари, химояловчи парда тутинг.

Қадам бақадам бошқа ҳавфларни ҳам бартараф қилинг!

Топилган ҳавф манбалари Уларни тузатиш санаси.

## **Сув тошқини, кўчки ва сел офатлари оқибатларини бартараф қилиш.**

Сув тошқини хавфи туғилган тақдирда, ҳудуднинг фуқаро муҳофазаси бошлиғи қарорига биноан бошқарув пунктлари тайёр ҳолга келтирилиб, масъулиятли мансабдор шахсларнинг кечаю-кундуз навбатчилиги ташкил этилади.

ФВДТ нинг сув тошқини хавфидаги вазифалари қуйидагилардан иборал:

- Сув тошқини хавфи тўғрисидаги маълумотни ФМ нинг қуйи органларига ва аҳолига етказиш;
- Кузатув ва назоратни кучайтириш;
- Сув тошқинида фаолият кўрсатувчи куч ва воситалар ҳолатини аниқлаш ва сув босган ҳудудларда қутқарув ишларини олиб бориш учун тайёр ҳолга келтириш

Аҳолини, моддий ва маданий бойликларини хавфли ҳудуддан хавфсиз ҳудудга кўчириш;

- Сув тошқини ҳудудларидаги корхона ва ташкилоилар фаолиятини қисман чеклаш ёки вақтинчалик тўхтатиш;
- Ўзаро ҳамкорлик режалари бўйича ёрдамга бирикклирилган Қуролли кучлар бўлимлари билан алоқа ўрнатиш ва бошқалар.

Қутқарув ишлари учун ҳудуднинг тегишли куч ва воситалари, ҳамда фуқаро муҳофазасининг юқори ташкилотлари томонидан ажралилган кучлар ва воситалар шунингдек, корхона ва ташкилотларнинг сузиш воситалари жалб қилинади.

Сув тошқинида қутқарув ишларини олиб бориш учун жалб қилинадиган қутқарувчилар сувда ҳаракатланиш қоидаларини ҳамда одамларни қутқариш ва уларга бирламчи тиббий ёрдам кўрсатиш усулларини билиши шарт.

Сузиш воситаларида ҳаракатланувчи тизимлар иплар, қутқариш айланмаси ва бошқа зарурий жиҳоз ва воситалар билан таъминланиши лозим, шунингдек сувдаги одамларни қутқаришда, иштирок этувчи шахсий таркиб ҳимояланган кийимларда бўлиши шарт. Сув тошқинларидаги қутқарув ишлари сув босган ҳудудлардаги одамларни топшиш, уларни сузиш воситаларига ёки вертолётларга ўйказиш ва хавфсиз жойга эвакуация қилишдан иборат. Зарурат бўлса жабрланувчиларга биринч тиббий ёрдам кўрсатилади. Сўнгра сув тошқинига учраган жиҳозлар, моддий ва маданий бойликларни қутқариш ва сувдан чиқариб олишга киришилади.

Сув тошқинида ҚБТИ ни муваффақиятли ўтказилиши **қутқарувчиларга боғлиқ:**

- Тўсатдан сув тошқини пайдо бўлганда қидирувнинг самарали усуллари қўлланилиши;
- ФВДТ тизимлари ва хизматчилари юзага келган вазиятни тез баҳолай олиш ва тахминий салбий оқибатлар кўламини аниқлай олиши;
- Қутқарув ишларида иштирок этадиган куч ва воситаларнинг ўз вақтида йиғилиши;
- Қулқарувчиларнинг жабрланувчиларга ёрдам кўрсатиш фаоллиги ва ҳоказолар.

**ҚБКБИ** ни ўтказишда ФВДТ раҳбарлари, доимий равишда энг хавфли ҳудуда (катастрофик ўчоқ) бўлиши ва у ерда бўйсунувчи тизимлар ҳарикатини бошқариб, улар ўртасидаги узилишсиз ўзаро ҳамкорликни таъминлаши лозим. Тизим бошлиғи доимо эслаши лозимки, тизимнинг аниқ ва тезкор ҳаракатидан қутқарилаётган одамларнинг тақдири, халқ мулкининг сақланиши ётади.

Сел ва кўчки офатлари оқибатларини бартараф этишда энг аввало бу олдиндан характерловчи белгиларини ўз вақтида аниқласли, уларнинг миқёсини чамалаш, аҳолини хавф тўғрисида огоҳ этиш муҳим аҳамият касб этади бу белгилар қанчалик олдин аниқланса, офатнинг келтирадиган зарарларини камайтиришга эришилади. Кўп ҳолларда сел оқими хавфи тўғрисида аҳоли 10 дақиқалар олдин, камдан-кам ҳолларда эса 1-2 соат олдин огоҳлантирилиши мумкин. Сел хавфида селнинг аҳоли пунктларига келиш йўлларидаги тўсиқлар мустаҳкамланади, қўшимча тупроқ тўсиқлари, сел таркибидаги бегона жисмларни ушлаб қолиш учун вақтинчалик деворлар, сел пистирмалари, сувни ўзини отқазиб юборувчи трубалар ва бошқалар ташкил этилади. Сел хавфи туғилганда, аҳоли хавфли ҳудудлардан хавфсиз ҳудудларга эвакуация қилинади. Бунда одамлар билан бирга моддий бойликлар ҳамда қишлоқ хўжалик ҳайвонлари ҳам

олиб чиқилади. Афсуски, у ёки бу сабабларга кўра кўчириш ҳаракатлари тўлиқ бажарилишига имкон бўлмайди.

Масалан: Қирғизистон Республикасининг Ўш вилояти тоғларида ҳароратининг бирдан кўтарилиши ва қорнинг тез эриши оқибатида 1998 йил 7-майдан 8-майга ўтар кечаси сел оқими юзага келиб, у Шоҳимардонсой бўйлаб ҳаракалланди. Сел оқими Фарғона вилоятининг 52 хўжалик, 36 дам олиш зонаси, шундан 4 болалар соғломлаштириш лагерларига салбий таъсирини кўрсатди. 8-июлдан 9-июлгача бўлган даврда соғломлаштириш муассасаларидан ва болалар дам олиш лагерларидан эвакуация қилинди. Эвакуация жараёнида 250 дан ортиқ автомобил техникалари жалб қилинди.

Афсуски бунда одамларнинг эвакуацияси тўлиқ бажарилмаганлиги сабабли талофатлар кўрилди. Жумладан, 1998 йил 18-июл кунида 104 одам мурдаси топилган. (Шундан эркаклар-48, улардан вояга етганлар-16, аёллар-56, улардан вояга етганлари-27), 96 та ўлганлар шахси аниқланган, қолганлари номаълум, шунингдек ҳар хил ҳайвонларнинг 68 мурдаси топилган. Бундай нохуш талофатларни ФВДТ лари, бутун аҳоли ҳеч қачон эсдан чиқармаслиги ва ундан тегишли хулосалар чқаришлари лозим.

### **Сув босиш хавфи туғилганда аҳолининг ҳатти – ҳаракати ва фаолияти қоидалари:**

Сув босадиган зонадаги аҳолининг ҳаммаси сув босиш эҳтимоли бўлган зоналарни ва сув босадиган вақтларни, шунингдек, шикастловчи омилларни (сув қанча баландликда бўлиши ва қачон етиб келиши) жуда яхши билиши керак. Аҳолининг ҳаммаси сув босиш хавфи туғилгандаги, сув босгандаги ҳатти – ҳаракатларга ўргатилган ва тайёрланган бўлиши керак. Сув тошқини эҳтимоли борлиги ва содир бўлгани ҳақида хабар берилганда нималарни ва қандай қилишни ҳар бир киши билиши шарт.

Аҳолини ҳаммаси сув босиш эҳтимоли борлиги, сув босиш вақти, унинг чегаралари ҳақида ишонарли олдиндан тахмини, муҳофаза қилиш ҳатти – ҳаракатлари, эвакуация тартиби ҳақидаги тавсияларни вақтида олиши керак.

Хавф ҳақида хабар сигнали олинганда қуйидаги ишлар қилиниши керак:

- дарҳол ҳужжатларини, қимматбаҳо ва керакли буюмларни, 2 – 3 кунлик озиқ – овқат ва ичимлик сув захираларини ўзи билан олиш;
- бошқа керакли нарсаларни йўқолмайдиган қилиб сарранжомлаб қўйиш;
- ҳамма энергия истеъмол қиладиган нарсаларни ўчириб қўйиш;

- чорва молларини хавфсиз жойларга ўтказиб қўйиш.

Тўсатдан ҳалокатли сув босган пайтда:

- уриб кетган тўлқин зарбидан сақланиш учун шошилиш чоралар қўрилади (бордию тўлқин етиб келса, унинг ичига шўнғилади);
- олдиндан тайёрлаб қўйилган Қутқарув воситалари (4 – 6 та бир литрли пласмаса идишлар осилган нажот камари таъиб олинади).

**Шунинг учун яқинлашиб келаётган сел оқими ёки кўчки тўғрисидаги хабарни эшитган ҳар бир фуқаро, тезда уйларини, иш жойларини эҳтиёт ҳолатда қолдириб, тарк этишлари лозим бўлади. Бунда уйларидаги ёки иш жойларидаги иситгичларни ўчириши, газ кранларини ёпиш электр ва электр жиҳозларини ўчиришлари керак. Булар ёнғин пайдо бўлишини олдини олади.**

Сел оқими ёки ер кўчкиларининг тўсатдан пайдо бўлиши катта хавф туғдиради. Бундай вазиятларда энг асосийси ваҳимага йўл қўймаслик керак. Сел оқирмга тушган фуқароларга бор имкониятлар юзасидан ёрдам бериш керак. Жумладан, хода, арқон, бақувват дарахт шохлари, мустаҳкам қалин ипларни қутқарилаётганларга узатиш орқали амалга оширилади.

Сел оқимига қарши омилларнинг энг самарали услуби, бу аҳолининг барча қатламлари иштирокида ташкилий-хўжалик, агротехник, ўрмон-мелиоратив ва гидротехник тадбирларнинг ўз вақтида ўтказилишидир. Яъни сел хавфи бўладиган ҳудудлардаги аҳолининг ўрмончиликда, деҳқончиликда агротехник ишларни бажаришда ва уй ҳайвонларини боқишда тегишли ташкилотлар томонидан бериладиган тафсияларни қатъиян бажаришлари лозим.

### **Ишлаб чиқариш авариялари ва ҳалокатлар оқибатларини бартараф қилиш**

Ишлаб чиқаришдаги йирик авариялар ва ҳалокатлар тўсатдан пайдо бўлиб, тезда ривожланиб кетади, натижада инсонлар ҳаёти ва соғлиғига катта хавф туғдиради.

Авария ва ҳалокатлар ишлаб чиқариш хусусиятларига боғлиқ бўлиб, иш жараёнининг характерига қараб, салбий ўзгаришлар юз бериши ва вазиятни чигаллаштиришига олиб келади. Йирик авария ва ҳалокатларда ишчи ва хизматчиларни, шунингдек ҳалокатга яқин атрофда яшовчи аҳолини огоҳлантириш ва уларнинг ҳимоясини ўз вақтида ташкил этиш жуда муҳим вазифалардан ҳисобланади. Бунда

биринчи навбатда, одамларни кутқариш, уларга биринчи тиббий ёрдам кўрсатиш ҳамда жароҳатланганларни даволаш муассасаларига етказиш лозим.

Кейинги босқичда авария ва ҳалокатлар оқибатларини бартараф этишда қулаш хавфи бўлган бино, иншоатларни мустаҳкамлигини ошириш ёки уларни бузиб ташлаш, коммунал-энергетик тармоқлардаги аварияларни бартараф этиш, издан чиққан технологик жараёнларни тиклаш ва бошқа кечиктириб бўлмас ишлар амалга оширилади. Авария ва ҳалокатлар оқибатларини тезда бартараф этишда катта куч ва воситалар талаб этилади. Зарарли оқибатларни бартараф этишда ФМ нинг турли мақсадли тизимлари, обект ишчи ва хизматчилари, шунингдек яқин атрофдаги аҳоли ҳам жалб этилади. Авария натижасида бино ва иншоатларнинг бузилиши, атроф-муҳитни тутунга, чангга, захарли газларни тарқалиши аҳоли ўртасида жароҳатланиш ва қурбонларнинг кўпайишига сабаб бўлади. Бундай вазиятларда ҳар бир ҳолат учун хавфсизлик қоидаларига риоя этиш муҳим аҳамиятга эга, жумладан, вайронали ҳудудларга, бузилган бино ва иншоатларга кириш, қулаш хавфи мавжуд бинолар атрофида айланиб юриш, ҳимоя воситаларисиз ерда ётган, осилиб турган электр узатиш симларини ушлаш ва электр жиҳозларига тегиш қатиян ман этилади.

Иншоат конструкцияларини қулатиш ва вайроналарни ажратиш ишларида иштирок этувчи **шахслар қалин матодан тайёрланган махсус кийимларни, ёпиқ оёқ кийимлардан фойдаланишлари ҳамда брезентли қўлқоплар ҳамда каскалар кийишлари шарт**. Хавфли жойлар олдида хавфсизлик тўғрисидаги огоҳлантирувчи ёзувлар, мавжуд бўлган кўргазмали воситалар ўрнатилиши лозим. Авария натижасида бино ва иншоатларнинг бузилиши, атроф-муҳитни тутунга, чангга, захарли газларни тарқалиши аҳоли ўртасида жароҳатланиш ва қурбонларнинг кўпайишига сабаб бўлади. Бундай вазиятларда ҳар бир ҳолат учун хавфсизлик қоидаларига риоя этиш муҳим аҳамиятга эга, жумладан, вайронали ҳудудларга, бузилган бино ва иншоатларга кириш, қулаш хавфи мавжуд бинолар атрофида айланиб юриш, ҳимоя воситаларисиз ерда ётган, осилиб турган электр узатиш симларини ушлаш ва электр жиҳозларига тегиш қатиян ман этилади.

Иншоат конструкцияларини қулатиш ва вайроналарни ажратиш ишларида иштирок этувчи шахслар қалин матодан тайёрланган махсус кийимларни, ёпиқ оёқ кийимлардан фойдаланишлари ҳамда брезентли қўлқоплар ҳамда каскалар кийишлари шарт. Хавфли **жойлар олдида хавфсизлик тўғрисидаги огоҳлантирувчи ёзувлар, мавжуд бўлган кўргазмали воситалар ўрнатилиши лозим**. Авария ва ҳалокатлар натижасида қуйдаги жароҳатлар: яраланиш, куйиш, шикастланиш, суяклар синиши, тўқималарни узилиши, эзилиш, электр токидан куйиш, КТЗМ лардан захарланиш ва ҳоказолар кузатилади.

КТЗМ лар ишлатиладиган, олинадиган ва сақланадиган объектлардаги аварияда заҳарланиш ўчоғи ўз вақтида аниқланиши ва **сифатли разведка қилиниши лозим.** Бундай ишларни **радиациявий ва кимёвий разведка** тизимлари олиб борадилар. Улар авария ўчоғини, КТЗМ турини, ҳудуд ва объектларини заҳарланиш даражасини, тарқалган КТЗМ нинг миқдорини тарқалган ҳудуд чегараларини, КТЗМ тарқалган жойдан одамларни чиқиб кетиш йўлларини белгилайдилар. Зарурат туғлганда тупроқ, сув ва бошқа ташқи муҳитдаги ресурслардан наъмуналар олиб кимёвий лабораторияга анализ қилишга юборилади. **Лаборатория натижаларига қараб одамларнинг кимёвий заҳарланиш даражалари баҳоланади.**

КТЗМ нинг атмосферага ва атроф-муҳитга тарқалишининг дастлабки давридаёқ объект ишчи ва хизматчиларини, ҳамда объектга яқин бўлган **махаллий аҳоли хавф тўғрисида огоҳлантирилади.** Авария тўғрисидаги ҳабарни эшитган ҳар бир фуқаро дарҳол нафас органларини химоя қилувчи воситаларни, терини химояловчи оддий воситаларни (**плаш, зич тўқилган устки кийимлар**) кийишлари ва тезроқ заҳарланган ҳудудни тарк этишлари лозим. Уйда бўлган аҳоли эса дераза ва дарча (форточка) ларни ёпишлари, уйларини эса герметиклигини (зичлигини) оширишлари, иситиш ускуналари, газ, иситкичдаги оловни ўчиришлари лозим.

**Кучли таъсир этувчи заҳарли моддалар билан заҳарланиш эҳтимоли юқори бўлган ҳудудлардаги аҳолини эвакуатсия қилиш ишлари атмосферада заҳарли булут келгунга қадар амалга оширилади. Эвакуатсияга тайёрлаш ҳар бир уйнинг ўзида ташкил этилади. Авария юз бергаобъектда биринчи навбатда КТЗМ нинг тарқалиш ўчоғи ёпилади.**

Авария ўчоғини бекитишда иштирок этувчи тизимлар **хавфсизлик қоидаларига қатъиян риоя қилишлари** яъни изолирловчи ганиқоблар, аъзоларни сақловчи изолирловчи химоя кийимларидан, шахсий дорихона (ШД-2) ва шахсий кимёвий пакетлардан (ШКП-8) фойдаланадилар.

Авария оқибатларини бартараф этишда иштирок этмайдиган фуқароларни **заҳарланган ҳудудга киришига йўл қўймаслик** мақсадида, объектнинг махсус хизматли гуруҳлари томонидан қўриқланади. Авария ҳудудидан одамларни чиқиб кетишда энг қисқа йўл бўйича, шамол йўналишига перпендикуляр тарзда, баландликда жойлашган ҳамда яхши шамолланадиган ҳудудга ҳаракатланиш лозим.

**КТЗМ дан заҳарланганларга** жуда қисқа муддатда тиббий ёрдам кўсатилиши лозим. Бунинг учун уларга газниқоб кийдирилади, агар танасига ёки КТЗМ теккан бўлса,

улардан тозаланади. Тозалаш тоза сув ёрдамида кўп мартаба ювиш орқали амалга оширилади. Биринчи тиббий ёрдам кўрсатиш хусусиятига қараб амалга оширилади. эсда тутиш керакки, КТЗМ заҳарланган одамга сунъий нафас бериш муолажаси бажарилмайди акс ҳолда заҳарланган одамнинг аҳволи оғирлашади. Авария ўчоғи баргараф этилгандан сўнг, КТЗМ тарқалган ҳудудлар, объектлар, қурилма ва усқуналар қайта ишловдан (санитар тозалаш) ўтказилади.

**Демак, табиий ва техноген хусусияти фавқулодда вазиятлар юз берган ҳудудларда, объектларда авария-қутқарув ва бошқа кечиктириб бўлмас олиб борилиш тартиби шулардан иборат. Ушбу тартиб-қоидаларни яхши ўрганган амалиётда қўллай билладиган фуқаролар Республикамиз ҳудудларида юзага келладиган фавқулодда вазиятлар оқибатларини баргараф этишда ўзларининг бурчларини бажара оладилар**

#### **Мустаҳкамлаш учун саволлар**

1. Табиий офатларнинг бир-биридан фарқи ва умумий хусусиятларини тушунтиринг.
2. Табиий офатлар ўчоғида қилинадиган энг асосий вазифалар нималардан иборат?
3. Ер сурилиши, уни билдирувчи бирламчи белгилар нималардан иборат?
4. Кучли шамол ва сел ҳодисасини баргараф қилишга қаратилган чора-тадбирларни изоҳланг?
5. Табиий офатларни секинлаштириш ёки тўхтатишга қаратилган асосий усулларни тарифланг ?
6. Ер силкиниш оқибатларини тугатиш чора-тадбирлари ҳақида нималарни биласиз ?

**Фойдаланилган адабиётлар:**

1. O‘zbekiston Respublikasining Konstitutsiyasi- T.: “O‘zbekiston”, 1992
2. Barkamol avlod – O‘zbekiston taraqqiyotining poydevori.- T.: “SHarq”, 1998.
3. Karimov I.A. O‘zbekiston XXI asr bo‘sag‘asida: Xavfsizlikka tahdid, barqarorlik shartlari va taraqqiyot kafolatlari.-T. O‘zbekiston ,1997 .
4. Nigmatov I., Tojiev M. Favqulodda vaziyatlar va fuqaro muhofazasi. Darslik –T.: Iqtisodiyot moliya. 2011. - 260 b.
5. Tojiyev M., Nigmatov I. Hayot faoliyati xavfsizligi. O‘quv qo‘llanma –T.: Tafakkur - Bo‘stoni“ 2012 .- 271 b.
6. Yuldashev O‘.R., Djabbarova Sh., Xasanova O.T. Hayot faoliyati xavfsizligi. Darslik –T.: “Iqtisodiyot” 2014. - 268 b.
7. Christer Pursiainen ”Early Warning and Civil Protection When does it work and why does it fail?”, Stockholm, Sweden 2008.
8. Friend, Mark A. Fundamentals of occupational safety and health / Mark A. Friend and James P. Kohn.—4th ed. 2007. 596
9. Сычев Ю.Н. Безопасность жизнедеятельности в чрезвычайных ситуациях: учебно-практическое пособие / Московский государственный университет экономики, статистики и информатики. — М., 2005. — 226